

## DEVELOPMENT OF COMMUNICATION ABILITIES IN THE PROCESS OF PREPARATION OF FUTURE TEACHERS.

**Sattorova Malikahon Abdugaffor kizi**

Karshi State University Pedagogical Institute

1st stage undergraduate

Ph.D. Associate Professor **Kenzhaeva Dildora Terkashevna**

**Abstract:** This article discusses the development of communicative skills in the process of training future educators. Based on pedagogical data, the author analyzes the problem on the basis of existing scientific literature and explores the specifics of the development of communicative skills in the process of training future educators.

**Keywords:** educator, communicative, ability, children, development.

## БУЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

**Сатторова Маликахон Абдуғаффор қизи**

Қарши Давлат Университетининг Педагогика институти

1-босқич магистранти

П.ф.н. доцент **Кенжаева Дилдора Теркашевна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада булажак тарбиячиларни тайёрлаш жараёнида коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш ҳақида сўз боради. Муаллиф педагогик маълумотларга таяниб, мавжуд илмий адабиётлар асосида муаммони таҳлил қилган ва булажак тарбиячиларни тайёрлаш жараёнида коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш бўйича мавжуд ўзига хос жиҳатларини ўрганган.

**Калит сўзлар:** Тарбиячи, коммуникатив, қобилият, болалар, ривожлантириш.

Нутқ бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон бир моҳиятни англатадиган сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сўзлар эшиттириб ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши ёки кар-сақов кишиларга бирон бир моҳиятга эга бўлган имо-ишоралар билан алмашилиши мумкин. Одамлар ўртасидаги муносабатни телеграф орқали ахборот беришга ўхшатиш мумкин эмас. Одамлар муносабатига алоқа боғловчиларнинг ҳис-ҳаяжони ҳам қонуний равишда жалб этилган. У коммуникациянинг мазмунини ҳисобланиши назарга ҳам, муносабатга ҳам, киришганларга нисбатан ҳам муайян тарзда тааллуқли бўлиб нутқий фикр мулоҳазалар билан қўшилган ҳолда юзага чиқадиган бу ҳишаяжонли муносабатда ахборот айрибошлашнинг алоҳида нутқсиз жиҳати ўзгача нутқсиз коммуникация таркиб топади.

Нутқсиз коммуникация воситаларга қўл, бармоқ ва юз ҳаракатлари, имо-ишора, оҳанг, пауза, турқ-тароват, кулгу, кўз ёши қилиш ва шу қабилар киради. Булар оғзаки коммуникация воситалари сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар системасини ҳосил қилади. Ўртоғининг бошига тушган кулфатдан хабар топиб унга ҳамдардлик билдираётган суҳбатдош нутқсиз коммуникация белгиларини ишлатади: юзларини ғамгин тутати, паст оҳангда, қўлларини юзига ё пешонасига қўйган ва бошини чайкаган ҳолда чуқур хурсиниб гапирди ва ҳокозолар.

Нутқсиз коммуникация амалга ошириш учун турли хил ёш группаларга турлича воситалар танланади. Масалан, ёш болалар йиғидан кўпинча катта ёшдагиларга таъсир қилиш ва уларга ўз истаклари ҳамда кайфиятини йетказиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Нутқсиз коммуникацияда қўлланиладиган воситаларнинг ахборотни сўз билан йетказиш мақсадларига ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятининг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Педагог битта сўзнинг ўзини болага гоҳо буйруқ, гоҳо илтимос, гоҳо насихат ва ҳақозо маъно бахш этган хилда турли оҳангда талаффуз эта билиши керак. Нутқсиз коммуникация имо-ишора, пантомимика, нутқнинг оҳангидаги ранг-баранглик ҳам ривожлана боради. Коммуникация жараёнида тескари алоқалар шаклланади, яъни бола ҳамсуҳбатининг юзларидаги ифодани ўқишга унинг оҳангида маъқуллаш ёки маъқулламаслик аломатини пайқашга катта ёшдаги кишининг сўзларига илова бўладиган ва кучайтирадиган қўл-бармоқлари ва юз-ҳаракатининг маъносини тушунишга ўрганади.

Тарбиячи фаолиятида тарбияланувчилар билан педагогик алоқаларнинг узлуксизлиги тарбиянинг асосий қонуниятларидан биридир. Болалар билан таълимтарбиявий жараёнда ижобий алоқалар ўрнатиш, ижобий иқлим ярата олиш, ўзига ишонтира олиш ва жалб қилиш-тарбиячи коммуникатив қобилиятининг асосий моҳияти бўлиб, бунда бевосита тарбиячи билан боғлиқ бўлган мингларча руҳий жараёнлар, маълум бир қолипдан чиқиши мумкин бўлмаган муомала турлари ва шартлари мавжуд. Тарбиянинг самарадорлиги, пировард натижада болалар билан алоқа ўрнатишнинг шакл ва услубларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши билан белгиланади. Асосий мақсад, тарбиячи ва бола муносабатида мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши, болаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Тарбиячи тарбия усуллари тизимини белгилаб олгандан кейин бир қатор алоқа ўрнатиш вазифаларини режалаштириши керак. Албатта, бу ниҳоятда қийин жараён, зеро тарбиянинг ҳар бир усули, таркибий қисми ва ташкил этувчи усуллари муомала орқали алоқа ўрнатишнинг самарадорлигига боғлиқ. Ушбу жараён бевосита тарбиячининг фикр алмашуви (рефлексия) билан боғлиқ хусусиятларига, бола руҳий ҳолатини фикр тезлиги билан уқиб олиш санъатига ва педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усуллари билан ўзаро алоқадорликда қўллай билишига тааллуқли бўлиб, улар узлуксиз шаклланади.

Тарбиячининг фикр алмашуви билан боғлиқ коммуникатив қобилиятини шакллантирувчи асосий хусусиятлари бола онгига қаратилган фаолият бўлиб, ниҳоятда мураккаб жараёнда такомиллашади. Ўзаро фикр алмашиш омиллари билан бевосита боғлиқ бўлган коммуникатив қобилиятнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- ❖ болаларни ишонтириш
- ❖ болалар онгига таъсир этиш;
- ❖ ўзгаларга тақлид қилиш.

Болаларни ишонтириш тарбияланувчининг онгига қаратилган ҳўлиб, тарбиячи фикр-мулоҳазаларини таъсирчан нутқ орқали боланинг билимлар тизимига, дунёқарашига, хулқ-атвориغا, ҳатти-ҳаракатига таъсир этади ва уни қисман ўзгартиради. Ишонтириш тарбиячи нинг касб фаолиятига тааллуқли бўлган мураккаб фаолиятида асосий таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ишлатиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Бола онгига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишонтириш усули тарбиячидан баҳс, мунозара асосида далиллар келтиришни, исбот ва мантиққа таянишни талаб қилади. Айниқса тарбиячи билан болалар орасида ўрганилаётган мавзуга тааллуқли муқобиллик мавжуд бўлганда, танқид ва фикрлар курашига таянилганда самарали бўлади.

Болалар онгига таъсир ўзаро фикр алмашиш жараёнида қўлланиладиган мураккаб психологик хусусият бўлиб, тарбиячи коммуникатив қобилиятининг универсал омили ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг суҳбати ва фаолияти жараёнида тарбияланувчи онгига таъсир тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у болаларнинг психикаси ва хулқ-атвориغا сезиларсиз равишда таъсир кўрсатади. Таъсир болалар онгига, психикасига назоратсиз кириб бориши билан алоҳида аҳамиятга эга, болаларнинг ижодий фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларида, интилишларида йўл-йўриқлар кўрсатиш тарзида амалга оширилади.

**Оннга таъсир**-шундай бир психик жараёнки, болалар тарбиячи нинг ёки бирор шахснинг таъсири остида, ўз онгининг етарли назоратсиз воқеликни идрок этади. Агар тарбиячи бунда



педагогик маҳоратга, психологик тажриба ва билимларга эга бўлмаса, болалар онгига таъсир қила олмайди, натижада таълим-тарбия жараёни ижобий натижалар бермайди, тарбиячи болаламинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўла олмайди. Тарбиячи ўз тарбияланувчилари онгини ташқи муҳитнинг салбий таъсирларидан, синф жамоаси норасмий етакчиларининг турли яширин бузгунчи ғояларидан ҳимоя қилишга масъул шахсдир. Бола онгига таъсир ўтказишда тарбиячи етакчиликни ўз қўлига киритиши учун:

- болаларнинг салбий хатти-ҳаракатлари туфайли содир бўладиган эмоционал ҳистуйғуларга берилмаслиги;
- ҳар бир боланинг психологик ва руҳий ҳолатини пухта ўрганмасдан унинг онгига тарбиявий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмаслиги;
- ҳар бир болага алоҳида шахс сифатида ҳурмат эътибор билан муносабатда бўлиши;
- синф жамоасининг норасмий етакчисини сьездирмасдан аниқлаб олиши ва унинг хаттиҳаракатидан доимо огоҳ бўлиши;
- педагогик маҳоратнинг муҳим жиҳатларини узлуксиз ўзида такомиллаштириб бориши;
- ўйланмай айтилган ҳар бир сўз, ноўрин фикр-мулоҳазанинг оқибатини ҳеч қачон тузатиб бўлмаслигини тарбиячи доимо ҳис этиши лозим.

**Тақлид қилиш** шахснинг психологик хусусияти бўлиб, ўзи севган бирор инсон ҳаракатига, намунасига, ибратига амал қилишидир. Бола ўзи учун идеал деб билган кишининг хулқ-атвор наминаларига онгсиз равишда тақлид қилади. Болалар ўзгалар хулқ-атворидан андоза олиб, тақлид қилиш йўли билан улардан ўзининг муҳитида фойдаланади. Тақлид қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, болалар ўз хатти-ҳаракати ва муомаласи жараёнида ўзи кўрган, катталар бажарган ҳаракатларни такрорлашга интилади. Тақлид қилишнинг яна бир хусусияти бола бадиий асарларда ўқиган, кинофильмларда кўрган севимли идеалидаги қаҳрамон образига, характериға, жасоратига, имо-ишора, нутқ, кийиниш услубларига беихтиёр тақлид қилади, ўз фаолиятида такрорлайди.

Тарбиячи коммуникатив қобилияти билан педагогик фаолият олиб бориш жараёнида ўзаро фикр алмашиш йўли билан таъсир кўрсатишнинг кўриб чиқилган асосий турлари болани ишонтириш, бола онгига таъсир этиш, тақлид қилиш бирбири билан чамбарчас боғлиқ бўлган психологик хусусиятлардир ва айни вақтда, ўзига хос фарқларга эга. Ишонтириш ва онгига таъсирнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, биз таъсир кўрсатиш усулининг унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланганда кўпинча нотиклик санъатини намоиш этамиз. Тарбиячининг сўз бойлиги ва нотиклик малакаси ишонтириш ва бола онгига таъсир этишнинг муҳим манбаларидир.

Педагогик таъсир кўрсатиш-коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар олиб борилиб улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Ислохотлар республиканинг ривожланиш ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш учун хизмат қилади. Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва қатор асарларида таълим ва тарбия Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниб, унинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Педагогик таъсир кўрсатиш тарбиячининг муҳим коммуникатив қобилиятларидан бири бўлиб, аввало тарбиячининг ташқи қиёфасини ифодаловчи маданияти, муносабатга киришиши ва нутқ маданияти асосида болалар билан мунтазам тарбиявий фаолият олиб бориш жараёнида намоён бўлади.

Ҳозирги даврда тарбиячи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабатларда сўз билан оғзаки таъсир этиш ниҳоятда хилма хил бўлиб, бевосита педагогик таъсир кўрсатишнинг нисбатан мустақил кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Билиш, англаш, экспрессив (ҳис-туйғуга берилиш ҳолати), ижтимоий анъанавий мулоқот, инсон ҳолатини сўзсиз тушуниш, дилкашлик тарбиячи нинг педагогик фаолиятида учрайдиган доимий такрорланиб турадиган коммуникатив муносабатларнинг турларидир. Тарбиявий жараённи ташкил этишда уларни назарда тутиш лозим.

Айниқса, педагогик таъсир кўрсатишни ташкил этишда сўзнинг аҳамияти билан боғлиқ бўлган педагогик муомала маданиятига ва тарбиячининг ширин сўзлигига алоҳида талаблар қўйилади. Сўзлашганда одоб ва эҳтиром тарбиячи нинг педагогик маҳоратида учрайдиган муҳим инсоний фазилати сифатида намоён бўлади. **Хушмуомалалик**-тарбиячи ва тарбиячиларнинг синфда индивидуал иш олиб бориш жараёнида ота-оналар ҳамда болалар билан мулоқотни аниқ бир тарбиявий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил эта олиши ва таълим-тарбиявий фаолиятни тўғри бошқара билишидир. Тарбиячининг касбий фаолиятида хушмуомалаликнинг ёш тарбиячи амал қиладиган қуйидаги мезонларини алоҳида таъкидлаб ўтамиз:

Тарбиячи касбий маҳоратида муҳим аҳамиятга эга бўлган инсоний фазилат ҳамда хушмуомалаликни ўзида шакллантириши учун мунтазам фаолият олиб бориши зарур. Тарбиячи педагогик фаолиятига оид шахсий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро фикр алмашиш ва алоқадорликка доир қуйидаги тизимларини тавсия этиш мумкин.

1. Касбий фаолият жиҳатидан ўз-ўзини англашни (муомалада ўзаро фикр алмашишга доир сифатларни, ижобий ва заиф томонларини аниқлашни) амалга ошириш ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш асосида ўз-ўзини тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш.

2. Ўз касбий фаолиятига қуйидаги йўналишларда баҳо бериш мақсадга мувофиқ: кишилар билан бўлган муомаладан сўнг олинган таассуротларни таҳлил қилиш, болалар билан муомаланинг сўнгги ҳолатларини ўрганиб, муомала ҳақида ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, муомаладаги имкониятларингизни атрофдагилар (тарбиячилар жамоаси, ота-оналар, болалар) қандай баҳолаши ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш.

3. Ўзида инсонпарварликнинг асосий хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган ўз-ўзига таъсир ўтказувчи “аутоген” машқлар асосида ишлаш.

4. Болалар ва ота-оналар билан турли жамоат ишларини олиб бориш, бундан ўзаро фикр алмашиш фаолиятида кўникма ва малакалар (маърузалар, суҳбатлар, камолот ёшлар уюшмалари) ҳосил бўлади.

5. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказишда салбий кайфиятлами енгиш тажрибасини шакллантирадиган ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиш.

6. Хушмуомалаликка миллий анъана ва урф-одатларимиз, ўзбекона муомала маданияти, миллий маънавиятимиз нуқтаи назаридан ёндашиш.

7. Ўз она тилида пухта, лўнда ва жарангдор сўзлар туза олиш ва уни нутқий маҳорат билан ифодалаш таълим муассасаларида ўрганилаётган ҳар бир фан тарбиячиси учун энг зарур коммуникатив қобилиятлардан биридир.

Тақлиф этилган ушбу тизим асосида педагогик фаолият олиб бориш тарбиячи касбига оид шахсий фазилатлардан бири бўлган инсонпарварлик ва хушмуомалаликни шакллантиради. Тарбиячи касбий фаолияти давомида нутқидаги сўз кудратини такомиллаштириб боради. У ўзбек тилининг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали сўз бойлигини гўзал, равон, ифодали, таъсирчан бўлишига интилади. Зеро, гўзал ва таъсирчан сўзлай билиш ҳам санъат. Бу санъатдан бебаҳра бўлган тарбиячи нинг касбий маҳорати шакланмайди. Қайси фанни ўқитишдан қатъий назар, тарбиячи нинг асосий қуроли сўз бойлигидир, у сўз кудрати асосида коммуникатив қобилиятини намоёйиш этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни. Т., 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Т., 1997 й.
3. Азаров Ю.Р. "Болаларни севиш санъати". Т.: Тарбиячи, 1992-й.
4. Ганоблин Д.Н. Тарбиячи ҳақида қисса. Т.: Тарбиячи, 1969-й.
5. Юнусов Т. Ёш тарбиячилар билан ишлашни такомиллаштириш йўллари.